


*Порлаган кўзларда табассум бисёр,
Она юрт абаддур, жондадур ватан.
Дунёда бекиёс шавкатли диёр,
Ўзингсан мустақил, жон Ўзбекистон.*

1 СЕНТЯБР — ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ КҮНИ



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ АМАЛДА

Республика ижтимоий таъминот бўлимларида рўйхатга олинган пенсионерларнинг умумий миқдоридан:

- қарилек пенсиясидагилар 1 773 424 киши;
- ногиронлик пенсиясида 328 763 киши;
- боқувчисини йўқотганлик учун пенсияда 204 550 киши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроил Каримовнинг фармонида асосан 1995 йилнинг 1 сентябидан меҳнат пенсияларининг энг кам миқдори 645 сумни ташкил этадиган бўлди.

МАОРИФ

Республикада бугунги кунда 9 092 та мактаб мавжуд. Уларда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг сони эса 4 926 430 нафардан иборат. 1995-1996 ўқув йилининг бошланишига яна 11 955 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 35 та янги мактаб ишга тушади.

Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида, айниқса, маориф соҳасига эътибор кучли, мактабларни таъмирлаш, янгиларини қуришга жиддий аҳамият берилаяпти.

ВАТАН ЯГОНАДИР, ВАТАН БИТТАДИР

*Дерлар: ширин сўзнинг гадолари кўп,
Ениб турган кўзнинг адолари кўп.
Юртлар бор, ҳаттоки, худолари кўп,
Ватан ягонадир, Ватан биттадир!
Кездимки, дунёнинг йўллари узун,
Фаҳми носикларнинг қўллари узун,
Аммо барчасининг кўрари, кўзи:
Ватан ягонадир, Ватан биттадир!
Кимдир дўстларини сотиши мумкин,
Кимдир ўзига ўқ отиши мумкин,
Ўқ ўтмас қалъанинг борлиги ҳам чин:
Ватан ягонадир, Ватан биттадир!
Ватан деб ватанидин кетганлар айтсин,
Соғинч ёқасидан тутганлар айтсин:
Пушаймонлик заҳрин ютганлар айтсин:
Ватан ягонадир, Ватан биттадир!
Нега учган қушлар қайтади бот-бот,*

*Қозиғини излаб келар учқур от,
Дунёда бор бўлсин, меҳр-оқибат,
Ватан ягонадир, Ватан биттадир!
Менинг Темур бобом, соҳибқироним,
Асрларни енгиб елган бўроним,
Ушандан қўшилган бир қошиқ қоним,
Ватан ягонадир, Ватан биттадир!
Ер юзин қаратган кўркем Самарқанд,
Қирқ йил шоҳи бўлган Улғбекдек мард,
Кўксимдаги қувонч, кўксимдаги дард
Ватан ягонадир, Ватан биттадир!
Биров бор, боласин ташлаб кетади,
Биров бор, онасин ташлаб кетади,
Аммо ватан ташлаб кетмас ҳеч қачон,
Ватан ягонадир, Ватан биттадир!
Нега томиримга сиғмай борар қон,
Эрларнинг жони ўн, меники қирқ жон,
Бер деса, барини қилайин қурбон,
Ватан ягонадир, Ватан биттадир!*

Хосият БОБОМУРОВА

ОМОН БЎЛ МУҚАДДАС ЎЗЛИК

(Публицистика)

БОБОМ айтадилар: — Замон бизни қи эмас, биз замонники бўлдиқда. Бурнингдан бир қарич нарига борсанг, кунлигиндагини бировга ишора билан ҳам тушутиролмайсан. Биз сартларнинг тилимиз узун бўладиган кунлар ҳам келармикин, онаси?

МОМОМ айтадилар: — Ниятни катта олинг, отаси. Ҳали тилингиз ҳам, йулингиз ҳам, қулингиз ҳам узун бўлади!

МЕН унда бола эдим. Сўхбатларини тинглаб ўтириб, ўзимча улардан қулган бўлардим: «Тавба, икковлариям қишлоқда ҳеч кимга гап бермайдию, тагин нолишганини...» Аслида, иккалови билан жуда фахрланардим. Бобомнинг қулидан ҳеч газит тушмасди, момом эса унинг ҳар бир сўзини маъқуллагани маъқуллаган эди. Аммо, бир кун... Бобом газета ўқийтиб, момомга деди: «Қара, онаси, фалон жойда юртини ўзиники қилиш учун одамлар шунча йил қон тукишибди. Шунча одам шаҳид бўпти. Биз қачон юртни ўзиники қилиб оламиз?» Шунда момом сапчиб турди: «Вой, нафасингизни иссиқ қилинг-ё, урушни соғинаётгисизми, нодон чол!» (Момом ув тортиб йиғлади. Балки урушдан қайтмаган уч ўғли ёдига тушгандир...) Бобом газетани бир четга олди, бошини ҳам қилди. Мен эса яна улар-

дан ажабландим. Уйладим: «Буларга не етмайди, ўзи?»

Бобомнинг қони қайноқдан-қайноқ эди. Момом эса фақат тинчликни орзу қиларди.

Истиқлол туғилган тонгда мен аввало «юртни ўзиники қиллолмай», қузи очик кетган бобомни, «юртда тинчлик бўлсин» деб кунига юз бора дуо ўқийдиган момомни эсладим. Узоқ эсладим.

«Орзуингиз ушалди, бобожон» дедим. «Юртни тинчлик билан олдик, моможон», дедим.

Яна дедим: — Замон ўзимизники бўлди. Тилимиз, йўлимиз, қулимиз узун бўлди!

Биламан, сузларимни бобомнинг руҳи эшитди. Йиғлади. Момомнинг руҳи эшитди. Йиғлади. Истиқлол йўлида жонини тиккан, охир-оқибат азиз бошлари қундаларда чопилган, дорларда қатор осилган улуг Туркистон фарзандлари эшитдилар. Широк, Тўмарис, Тўрабека Хотун, Номоз Ботир, Жалолиддин Мангуберди, Қурбонжон Додхо, Дукчи Эшонлар ҳам йиғладилар. (Уларнинг ҳоки-пойи қузларимга тўти!) Мен уйладим: Буюкларни фақат Буюк гам, Буюк севинч, Буюк армонгина йиғлатади!

Гоҳо эшитиб қоламан: «О, илгариги даврлар қанқоқ яхши эди...»

Шунда жисму-жонимга бир ут туташади. Ўзимни яширгани жой тополмайман. Дейман: «Эй, фалак, бағрингни оч, учиб кетай. Эй, замин, бағрингни оч, кириб кетай. Токи бу сузларни қайта эшитмай...» Ахир айтинг, қафасдан учган қуш яна қафасини соғинарми? Йўқ. Занжирдан бўшатилган барс яна занжирни соғинарми? Йўқ. Сиз кишандан қутулдингиз. Яна кишани соғинманг! Юртбошимиз айтган ахир, бир эсланг:

«Энди орқага йўл йўқ! Ортимиздаги кўприқлар ёниб кетган!»

Озодлик мазмунини ҳамон англаб етмаган, бугунги кунларда суғуниш урнига қуонаётган, орқага қарай-қарай иккиланиб одимлаётганларга шундай дегим келади: — Истиқлол учун биз курашмадик, аждодларимиз курашди, биз қон тўқмадик, улар қон тўқдилар, биз жон бермадик, биз учун ҳам улар жон беришди. Қонлари, жонлари, азиз бошлари эвазига улар бизга Истиқлолни тутдилар. Муқаддас Истиқлол. Ҳалол Истиқлол. Бир асрлик Армон — Истиқлол. Биз уни энди авайламасак не бўлур. Бош узра тутиб, эъзоламасак не бўлур. Унинг синовларига сабримизни қалқон қилмасак, не бў-


лур. Оталаримиз руҳи олдида уят бўлмасми, Болаларимиз олдида уят бўлмасми?!

Гоҳо уйлаб қоламан: «Истиқлол бизга не берди, ўзи?»

Сунг, ўз-ўзимга жавоб қиламан: Бир гунча гул бўлиб очилгунча неки имкон зарур бўлса, у шу имконни берди. Алҳол, бизни илгари ҳеч имконсиз ҳам очилтиришар эди. «Очилгилар» деган хитоб буларди, очилардик. Мажбуран очилган гунча тонгинг чиройидан, шабнамлар ҳидидан бебаҳра эди. Биз ҳам... шундай эдик! Хитобларга тобе эдик, нафақат вужудимиз, дилимиз, тилимиз, айтар ҳар сўзимиз тобе эди.

Кимдир сенга гулдаста тутса, қувончингни ифодалар суз излайсан. Топиб, айтасан. Мен юртимга тутилган боқий ва сўлмас гулдаста — Истиқлол учун не дейин? Бир суз топиб, айтмогим керак. Лекин, бугуним йиртилиб кетади, бу сузни айтсам. Юрагим ёрилиб кетади, бу сузни айтсам. Қанот қирайиб учиб кетаман, бу сузни айтсам. Қучим етмас у сузни айтмоққа. Қучим фақат дуоларигагина етур: Қадамидан айланай, Истиқлол. Сен туғилган Қутлуг тонгини, сен тарихга кирган Қутлуг кунини, сен юриб келаётган Қутлуг йўлни қайта-қайта таваф қилай. Сени деб шаҳид кетганларнинг изларини ҳоки-пойларини қайта-қайта таваф қилай. Омон бўл, Истиқлол. Омон бўл, муқаддас ўзлик!

Гулчехра ЖАМИЛОВА
журналист



• Муассисларимиз фаолиятидан

ҲАММАСИ ТЕКИН

Пойтахтимиздаги «Меҳржон» болалар истироҳат боғида республикаимиз мустақиллигининг турт йиллигига бағишланган болалар байрами бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар мебель саноати коммунал хужалиги ва манший хизмат курсатини корхоналари касаба уюшмаси ҳамда Республика болалар жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ташкил этди. Байрамга Супермаркет «Бешегон» фирмаси ҳомийлик қилди. Уша кунни истироҳат боғидаги барча аттракционлар болалар учун текин ишлади. Республика болалар кўтирчоқ театри, бир неча болалар ашула ва рақс ансамбллари ўз чиқишлари билан байрамга фойз киритишди.

ЁРДАМ УЗИЛМАЙДИ

Бироз тақчил кунлардаги узаро хайрихоҳлик, қилинган озми-кўпми ёрдам асло унутилмайди. «Соглом авлод учун» Халқаро жамғармаси Сурхондаре вилоят бўлими доридармонлардан қийналиб қолган муассасаларга, даволаниш учун пул-маблаг топилишини иложини қилолмаётган қариялар, ногиронларга амалий ёрдам курсатишни кенг йўлга қўйиб олди. Бўлим яқинда вилоят тугруқхонасига мурувват ёрдами сифатида саккиз минг сумлик турли доридармон берди. Шунингдек Бойсун туманидаги 12-меҳр-шафқат уйи тарбияланувчилари учун биринчи тиббий ёрдамга асқотадиган икки минг сумлик дорни етказиб берди.

Бундан ташқари ҳар хил тоифадаги муҳтож фуқаролардан тушаётган аризалар ҳам пухта урганиб чиқилмоқда ва жуда зарур, лозим деб топиладиганларига моддий ёрдам қилинмоқда. Масалан, Ангтор туманидаги Шароф Рашидов номи жамоа хужалигига истиқомат қилувчи ногирон Тура Қурбонов ва Термиз шаҳрида яшовчи Любовь Галиеванинг олти яшар ногирон қизалоғи учун 2 минг 150 сум пул ажратилдики, бу уларнинг даволанишига имкон туғдиради.

ГАП МУКОФОТДА ЭМАС

Халқаро «Экосан» жамғармасининг Термиз шаҳар бўлимининг яқинда маҳаллаларда тозалик, ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этаётганларини урганиб чиқди ва тоғиларини рағбатлантирди. Нуфузли ҳайат аъзоларининг қайлилик билан қабул қилган қарорларига қура «Гудистон» маҳалласи минг сум, «Байналимил» маҳалласи 600 сум, Термиз темирйўл станцияси ва «Жайхун» ҳиссадорлик жамияти 500 сумдан пул мукофоти билан тақдирланди. Шунингдек ҳовли ичи ва ташқариси озода, намунали бўлганлиги учун Дачная қучасидаги 14-уйи истиқомат қилувчи Суттоновлар хонадонига 400 сум мукофот берилди. Аслида гап эгилган урин еки мукофотларда эмас, балки шаҳарни гузал ва янада фойзли қилиш учун жон қойитаётган одамларнинг ишлари савобли эканлигини яна бир қарра ташкиллади.

Маҳмуд АБДУЛҲАЙЗ
Сурхондаре вилояти

• Савоб

БИР ЮЗУ ОЛТМИШ ЕТТИ ҲАЯЖОН

Утган ҳафтанинг чоршанба кунни эди. Телефон узун-узун жиринглайди. Гушакни қутараман. Китоблик дўстлардан бирининг самийий овози: «Шу жумлада тўй бошлаяпмиз. Юздан ортиқ болақайларни суннат қилдирамиз. Келингизлар...»

Бошқа сўзни эшитолмадим. Гапимиз олатдагидай яна узилиб қолди. Қўп уйладим. Юздан ортиқ боланинг тўйи... Барибир, эшитган бошқа, қурган бошқа экан.

Тўй бошланишдан олдин ҳам сўрадик: «Ким ўтказаяпти ўзи?» «Шом чўқсин. Тўй бошлансин, кейин билиб оласиз», дейишди тўйчи йигитлар бамайлихотир.

Баланд-баланд тоғлар орасида жойлашган доврўгли бу юрда куешнинг чиқишим, ботишим узгача. Билмадим, балки менга шундай туюлгандир. Балки шу кун... Вилоят «Меҳрибонлик» уйининг ўғлонлари узларининг суякли Куешлари бир кунгина тезроқ ботишини истагандир.

«Меҳрибонлик» уйининг мудиари Шохиста ҚОДИРОВА ҳам қувонч, ҳам ҳаяжон аралаш шундай дейди:

— Аслида қутлуг байрам арафасида ўз уйимизнинг тарбияланувчиларидан бўлиш Шухратжон, Умиджон ва Қурбонбойларнинг тўйини ўтказмоқчи ният қилиб юрүвдик. Бир кун «АВАЗ» фирмасининг бошлиғи, бугунги куннинг ҳақиқий филоий тадбиркори Авазжон Толипов келиб, Ўзбекистонимизнинг катта тўйи олдида уз жигаргушаларига саховат қилмоқчилигини айтиди. Очиги, сал истиқлолага борганимиз ҳам чин. Лекин сездирмадик. Авазжон эса шу кунисек утил-қизларнинг рўйхатини эзиб олди. Бугун қаранг, 54 нафар қизларимизнинг устидаги чиройли ва бежирим матодан тикилган қўйлақлар, 46 нафар ўғлоннинг бир хил рангдаги костюм-шимлари ҳаммамизнинг кўзимизу кўнлимизни қувнатяпти. Лекин гап қийим-кечак е-ё-йишда эмас, балки одамларнинг ҳар қан-

дай замонда ҳам бир-бирларига меҳрибонлик ва мурувват курсатмоғида.


Тўй бошланиб кетди. Туман ҳоқими, Олий Мажлис депутати Озод Пармонов тўйболаларни қутлади. Сунг узининг ҳайратини ҳам яширолмади: «Дунёда яхши, унутилмас кунлар қўп. Лекин уларнинг ҳеч биттасини юрт ҳурликка, озодликка эришган кун билан тенглаштириб бўлмайди. Шу маънода мен бутун юзта эмас, юз олтмиш етти нафар болақайларнинг тўйини истиқлолимизнинг турт йиллиги шодиенасига ҳамоханг бўлиб ўтаётганини бу Ватанда савобталаб, меҳр-мурувватли инсонларнинг беҳисоблиғи билан изоҳлайман десам, лоф бўлмайди».

Тўйда узун маърузалар, «қизил» мактов ва табриқлар бўлмади ҳисоб. Уйин-қулу, қушиқ-аския тинмади. Айниқса тошкентлик доврўгли муъжизакор, қиличчотар Йўлдош Жураевнинг курсатган гаройиб томошалари ҳаммани ҳайратга солди.

Тўй яримда эса саховатпеша йигит Авазжон Толиповни даврга чорлашди. Унинг қимтинибгина айтган гапларини эшитинг: «Бу тўй шу элнинг, шу халқнинг тўйи. Мен нима дейман? Аввало туман ҳоқимлиги раҳбарларига ва хужалиқлар фаолларига раҳматлар айтман. Шунингдек, енимда туриб елкадош бўлган дўстларим Эркинжон, Фармон ака, Салом ва Ҳамзаларга ташаккур: Ана шуларнинг сазй-ҳаракати ва Ҳиммати билан кичик тўй катта тўйга айланди кетди. Тўйларингиз қутлуг бўлсин, азиз ҳамюртлар!».

Улкан даврани тўдириб ўтирган катта юракларнинг ҳаяжони ичда. Болақайлар эса қувониб-қувониб яйрайдилар. Тўй тугагач, Авазжоннинг ички бир дард ва туген билан «Бугун ниҳоят бир умр орзу қилган ниятима етдим. Бу болалар шу халқнинг болалари. Шунинг учун уларнинг қувончям, ташвишям ҳаммамизники», дея айтган сузлари дилимни нурларга тўдирди.

Норқобил ЖАЛИЛ



Улғу соҳибки-
рон Амир Темур
авлодларга ўғит
бериб, шундай
деган эди:
«Миллатнинг

улғу мартабасини, саодатини
сақламоқ, унинг дардларига
дармон бўлмоқ вазифангиздир.
Адолат ва озодлик дастурингиз,
рахбарингиз ўлсин». Мустақил
мамлакатимизда изчиллик билан
амалга оширилаётган ислохотлар
энг аввало инсонга,
унинг турмуши фаровонлигини
оширишга қаратилгани буюк
жаҳонгир бобомизнинг йўл-йў-
риқларига мос тушаётган.

Мустақиллик туфайли миллий
ва маънавий қадриятларимиз
тикланди, эндиликда энг яхши
анъаналаримиз қатори маҳалла-
ларга эътибор ҳам ошди. Ўзбекистон
Республикаси Президентининг
Ислом Каримовнинг ташаббуси
билан «Маҳалла» хайрия
жамғармаси ташкил этилиб, унга
дастлаб давлат заҳирасидан
25 миллион сўм ўтказилди. Бугунги
кунда Республикада
15 мингга яқин маҳалла кўмиталари
ишлаб турибди. Пойтахтимизда
эса бундай кўмиталар
сони 500 га яқин.

Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги
«Қизил Шарқ» маҳалла кўмитаси
ана шулардан бири. Мухбиримиз
шу маҳалла кў-
соқоли Ёдгор Бобоназаров билан
учрашиб суҳбатлашди.

— Ёдингизда бўлса,
Ёдгор ака, бурун «совет
турмуш тарзи» деган
мавҳум ва ҳаммабон
бир тушунча бор бўларди.
Коммунистлар салтанати
емирилгунча ҳам
бунақа турмуш тарзининг
моҳияти нима, қонун-
қоидалар қанақа — буни
биров аниқ қилиб тушуниб
етгани йўқ. Мана,
истиқлол туфайли
биз ўз турмуш тарзи-

соқоли экансиз. Маҳалла кў-
митасининг юмушлари ҳақида гапи-
риб берсангиз.

— Бизнинг маҳаллада йигирма-
га яқин миллатга мансуб 8,5 ми-
нг аҳоли истиқомат қилади. Кў-
митамиз уларнинг ҳаммасининг
иссиқ-совуғидан бохабар. Ўзин-
гизга маълум, бугунги шароитда
ўзига туқ оилалар билан бир қаторда
камхарж, иқтисодий жиҳатдан
қийналиб қолган оилалар ҳам
бор. Президентимизнинг «Кам
таъминланган оилаларни ижти-

— Албатта, бугунги кунда ма-
ҳаллалар туман ҳокимиятларининг
энг ишончли бугунги ҳисобланади.
Маҳалла кўмиталарининг ижтимоий,
сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий
вазифаларни ҳал этишдаги роли
тобора ошиб бораёпти. Бизнинг
«Қизил Шарқ» маҳалла кўмитаси
фаоллари ана шу тадбирларни
амалга оширишда маҳалла аҳлига
бош-қош бўлмоқда. Аҳолига маънавий хизмат

курса тиши яхши
йўлга қўйиш мақсадида маҳалла-
миздаги «Абдура-
сул» фирмаси қо-
шида нон дукони,

«Иброҳим» фирмаси билан ҳам-
корликда ошхона очиб ишга ту-
ширдик.

Булардан ташқари, маҳалла
фаоллари ҳудудимиздаги икки-
та мактаб ва боғчада тез-тез
бўлишиб, болалар билан
маърифий-тарбиявий мавзуларда
суҳбатлар ўтказиб туришади,
боғча ва мактаб биносини
таъмирлаш ишларига ёрдам
беришади. Маҳалланинг ободончилиги,
озодчилиги, жоннатчилигини олдини олиш,
турли миллатга мансуб аҳоли-
миз ўртасида дўстлик, осуда
ҳаёт барқарорлигини таъминлаш
асосий вазифаларимиздан
деб биламиз.

Сўзимнинг охирида сеvimли
газетамиз муштарийларини
Мустақиллигимизнинг турт йил-
лиги билан табриклаб, келинг,
азиз ватандошлар, бир-биримизга
меҳр-оқибатли бўлайлик,
ота-боболаримизнинг урф-
одатлари, удулларига амал қилиб
хайрли ишларга бош қўшаверайлик,
Юртбошимиз олиб бораётган
халқчил ва элпарвар сиёсатга
камарбаста бўлайлик, дегим келади.

Ўз мухбиримиз суҳбатлашди.

МЕҲР-МУРУВВАТ МАСКАНИ

мизнинг рафторини белгилаб ол-
дик. Бу борада маҳалланинг урни
ва аҳамияти ҳақида нима дейсиз?

— «Совет турмуш тарзи» уйлаб
топилган ибора эди-ю бироқ ас-
лида ана шу йўқ нарса эвазига
халқимизнинг қадим-қадимдан кел-
аётган шарқона яшаш тарзи,
миллий урф-одатлар, удул ва
анъаналари инкор этилди. Киши-
ларни имон-этиқодли, меҳр-
шафқатли, эл-юрт юмушига ка-
марбаста қилиб тарбияладиган
масканлардан бири — маҳалла-
лар эшигига отнинг калласидай
қулф урилди.

Не бахтки, мустақиллик занг
босган ана шу қулфларни очиб
юборди. Бугунги кунда маҳалла
утмиш билан келажакни мустақам
боғлаб турган халқ қадрият-
ларининг кузгусига айланди. Ма-
ҳалла бор жойда ҳар қандай одам
ҳам масъулиятни ҳис этади,
бирор-бир ишга қўл урадиган бўл-
са, ҳуш, маҳалла-қўй нима дер-
кин, деб уйлайди. Тўй, азада халқ
удумларига бош-қош бўладиган,
керак бўлганда тергаб, тартибга
қақриб турадиган, урни келганда
бошимизни силаб-сыйпаб мурувват
курсатадиган жой ҳам шу маҳалла.

— «Қизил Шарқ» маҳалласи оқ-

моий ҳимоя қилишни кучайтириш
тадбирлари туғрисида»-ги Фармон
бизнинг фаолиятимиз асосидир.
Бу фармон чиққан 1994 йилнинг
биринчи октябридан бошлаб
ҳозиргача маҳалла ҳудудида яшаб
келаётган 300 га яқин оилага
моддий ёрдам курсатилаяпти. Нарх-
навоининг ошиб боришини ҳисобга
олиб ёрдамга муҳтож оилаларга
бериладиган ёрдам пулининг миқдори
ҳам ошариб боришмоқда. Ҳозирда у
225—400 сўмни ташкил этаётган бўлса,
октябр ойидан бошлаб 375—750
сўмга кўпаяди.

— Моддий ёрдамни асосан қандай
оилаларга курсатаёпсизлар?

— Биринчи навбатда вояга ет-
маган фарзандлари бўлган кўп
олали оилалар, кам нафақа
олаётган пенсионерлар, ногирон,
боқувчисини йўқотган, ёлғиз
яшайдиган қаришлар, вақтинча
ишсиз кишиларга мана шу ёрдам
курсатилмоқда.

Маҳалла қошида махсус комиссия
бор. Бу комиссия тушган аризаларни
урғибди ўз ҳулосасини билдиради
ва ёрдам ҳажмини аниқлайди.

— Маҳалла фаолларининг иши
бу билан чекланмаса керак?

● Таъзим

ЎТГАН АСР ВАКИЛИ

Ёҳуд 103 ёшли Саломат момо нима дейди

Умр мезони шундай тақсимланганки,
инсон ана шу мезоннинг босқичларидан
бирма-бир синовдан ўтиши даркор.
Бу камолот пиллаояларини забт эта
борган сайин эса нурунийлик
дея номланган сунгги рамзий
бекатга яқинлашганлигимизни
ҳис қиламиз. Жисмиимиздаги,
руҳимиздаги жушқинлик урнига
осойишта қариллик кириб
кела бошлайди.

Юзидаги ҳар бир ажин бе-
такдор бир тарихни сузлаб турган
мўйсафид ич-ичидан ёш авлодга
ҳавас қилади. Кексалик-

ни гўёки бир дард билиб, фақат
хотиралар уммонига шунгича яшай
бошлайди. Қалбдаги бир ҳовуч
оппоқ орзуларини бир этак фар-
занд, неваре, чеваралари устига
сочиш ҳавасига унинг беҳало-
ват қалбига таскин беради. Ва
ҳар битта ажинда табассум, ҳаёт
жилваланади. Зеро, ажинларда
қувноқлик жилва қилиши ҳақиқий
нурунийликдир, деб бежиз
айтишмаган.

Ҳамқишлоғим, Бухоро вилояти,
Олот тумани, Ёвкент қишлоғида
яшовчи Саломат момо Рустамов
ва фарзанди одамнинг кўн-
гилдан дарҳол ана шундай
фикрлар кечishi табиий. Унинг
сал хиралашган кўзлари,
серажин юзлари олам-олам
сир-асрорларни яшириб тургандай.
Афсуски, нуруний момо
биладиган кўпгина нарсалар
хотирасидан кўтарилган. Шундай
бўлсада, дадамнинг, қолаверса
бобомнинг исмларини эшитиб,
мени танигандай бўлди. Айтишларича,
илгари қишлоқ тарихини Сало-
мат момочалик биладиган одам
бўлганда. Унга ҳазиллашиб,
исмингиз Саломат бўлгани
боис-ми, ҳали анча текисиз,
момо, десам, у қулиб:

— Исмда хосият кўп, болам.
Билмадим шу сабабми, ҳатто

бирон маротаба касал ҳам бўл-
мадим. Энди, қаричилик, дармон
йўқ,— дейди.

Момонинг бир ўғил, бир қизи
(рахматлик), 14 невараси, 26 че-
вараси бор. Ўзича энг кичик че-
варамнинг туйини қуриш насиб
этармикан, деб уйлаган Саломат
момо ҳадемай чевараларининг
ҳам туйини курсе, ажабмас. Не-
варе келинларининг айтишлари-
ча, «дармон йўқ» деб нолиган
«кампиш» хануз чевараларига
алла айтиб, бешигини тебрата-
кан.

— Болаларимнинг бешигини
тебратиб, доим улар билан бир-
га бўлмасам негадир касал бўла-
ман. Ҳатто қариганимда ҳам бу
одат ягона овунчоғимга айланган,
— дейди Саломат момо.

Чеваралар бўлса шумлик қилиб
момонинг айтганига қунавермас,
юрини урганганлари чопқиллаб
кетиб қолса, бешикдагилари дар-
ҳол «ашулуни» бошлаб қолиша-
ди. Аммо болалар тарбияси бо-
расида ҳатто рухшўносларга ҳам
дарс бера оладиган Саломат мо-
мо бундай пайтда чевараларининг
эркакликларига, шўхликларига
қанақа жавоб беришни билади.
Нари борса «ҳа бой бўлгурлар»
ёки «умринг узок бўлгурлар»
деб қойиниб қуяди-да. Қулоқсиз
чеваралар бўлса отамга ёки
онамга эмас, катта момомга бо-
раман, деб хархаша қилишади.




Момонинг қалбдаги меҳрми,
кўзларидаги бир олам сеҳрми,
билмадим, гўё меҳригўёси бор-
дек ўзига тортиб туради. Уша
меҳригўёсидан доим инсонларга
саховат, яхшилик улашиб
келган момонинг умрини Оллоҳ
бежиз узун қилмаган, деб уйла-
ниб қоламиз.

Неча-неча замонларни қуриб,
узи бир тарихга айланиб қолган
момо қарийб юз ёшида, бир
асрлик туйида буюк истиқлолни
қуриш бахтига муяссар бўлди.
Қолаверса, истиқлол учун
курашган отаси, амакилари,
ҳамма-ҳаммаси учун ҳам бу
ёруғ кунларни у қурди. Гоҳида
момонинг нигоҳлари ҳудди ана
шундан сўзлаётгандай узок-
узокларга қадалиб қолади.

Очиги, охириги пайтларда
хавлчан бўлиб қолган Сало-
мат хотиралар гирдобига тартиқча
қийнагим келмади. Ҳа, сабаб-
ли унинг табарруқ юзларини
олиб хайрлашдим.

Алижон САФАРОВ



(Давоми. Бонни ўтган сонларда)

VIII

Спа, 1741 йил, 6 август

ЖОНДАН АЗИЗ БОЛАЖОНИМ!

Сен эзиб юборган ишлар ва айниқса, уларга илова қилинган мистер Меттернинг мактуби мени бениҳоя қувонтирди. Мактубида у сен ҳақиқатда, ашқаларга қараганда, анча яхши фикрларни айтибди. Бошқалар мактабидан одамдан мактов эшитиш ҳақида мароқли. Уз тиришқоқлигиндан қолмай, бундан бун ҳам мактовга сазовор инсондан мактов эшитишга ҳаракат қил. Шу интилимларнинг эвазига мендан истган нарсанинг олишинг тайин, агар ҳаракатинг тухтаса бас, бирор нарсга ўлдиргани умид қилмай қуя-қол.

Иншо эза бошлаганингдан хурсандман, бу машгулот ўзинга тегишли китобларни ўқишдан кура кўпроқ фойда беради. Иншо эзиш мобайнида айрим масалалар турғисида фикр юритишга ургасан. Кел, энди ўшбу фикр ҳақида қандай мулоҳаза юртасан, эзиб юбор:

Сен ўзинг учун эмас, балки жаҳондаги барча инсонлар учун яралагсан.

Ўшбу жумла Луканинг Катонга берган тавсифомасидан олинган. Унинг сузларига қараганда, Катон ўзи учун эмас, инсоният учун тутилган экан. Нима деб уйлaysан: одамзод фақат ўзини ўйлаб илашши, ўз манфаати учун дунёга келдишми ёки ўзи истикомат қилаётган жамият, умуман инсоният учун бирор-бир фойда келтириш лозими? Табиийки, одам боласи ёруғ дунёда танҳо кунг кечиргандан кура, жамият ичиди яшаганда кўпроқ имтиёзга эга бўлади. Шундай экан, демак у жамият олдида муайян даражада қарздор ҳисобланмайдими? Ёки у бошқаларнинг ўзи учун қилган хизматларига муносиб хизмат билан жавоб қайтариши шарт эмасми?

Мана шулар ҳақида инглиз еки лотин тилида эзиб юбор, аслида менга қайси тилда эзганинг эмас, балки қай тарихи мулоҳаза юритганинг муҳимроқ.

Сунти хатимда айрим кишилар ота-онаси вақтида эзиб бермагани оқибатида ешдишдан хунук қилишлар ва одаларга ургани қилишлари мумкинлиги турғисида эзудим. Улар бу бемаъни одалардан қариган чоғларида ҳам ҳалос бўлолмайдилар. Қовшуманган купол ҳаракатлар, унгайсиз ўтириб-туришлар шулар жумласидандир. Шунингдек, руҳиятдаги тупослик ҳам борки, ҳафсада билан курашишса бу каби иллатлардан қутилиш қийин эмас. Масалан, одамларнинг исму шарифларини елдан чиқариб қўйиш хунук одалар. Бирор ҳақида гапиратиб: «Ҳа, отинг кўгур кўрмайди!», «Илоҳ, хотирам аллаштирама», деган сузларни ишлатиш кишининг лутфсиз ва маланингсизлигини кўрсатади. Муомала чоғида «милорд» урнига «сэр» ёки «сэр» урнига «милорд» сузларини алмаштириб юбориш ҳам одобсизлик белгисидир. Одам бир воқеани ҳикоя қилишни бошлаб, ярим йулда тухтаб қолса ёки у давомини елдан чиқариб қўйганини тан олса, бу ҳам уни жуда ноқулай вазиятга солиб қўяди. Гапиратганда ҳар бир суз аниқ ва тиниқ бўлиши лозим. Йўқса, кўпчиликнинг миёсини чаплатиб, вақтини беҳуда ўтказасан. Гапиратганда талаффуз ва овозга ҳам аҳамият

бериш зарур. Баъзи одамлар сузлаётганларида оғзи деярли очилмайди, айримлар эса тез гапириб юборишди, ҳар иккала ҳолда ҳам тушуниш анча мушкул бўлади. Айримлар худди қўлогини оғир одамга уқтираётгандай бақириб гапирсалар, баъзилар умуман шивирлаб сузлайдиларки, ҳатто нима деганини эшитмайсан. Бундай ноқулай ва но-жўя хатти-ҳаракатлардан ҳоли бўлмоқ учун инсон ўз нутқи устида жиҳдий ишлаши керак. Нутқ маданиятига бора одамнинг дар-бия курган-курмаганини пайқаш қийин эмас.

Шу боисдан ҳам иккинчи даражали деб ҳисобланувчи бу каби хушмуомалалик қоидаларини пухта ўзлаштириб олишинг зарур. Мана шу хислатларга эга бўлмагани учун ҳам жамоатчилик томонидан яхши қабул қилинмаган ўта буюқ одамлар ва аксинча бир нарсани қўйиб қилинган бўлсалар-да, хушмуомалаликлари туфайли катта обрў-этибор топан уртамна одамларнинг кўпини курганман.

IX
Бат. 1742. 28 июн
ЖОНДАН АЗИЗ БОЛАЖОНИМ!

Яхши вазьлар бераётганингдан хурсандман. Агар шуларни уқилай билсанг бошим


тишга интидган одам ҳеч бўлмаганда му-ваффақият қозонишинг ишончли усули, бутун эътиборни шу ишга жалб этиб, кўнг билан киришишдир. Китоблар устида узоқ вақт ўтириш — каттафаҳм одамларнинг иши. Қобилияти киши изчил шуғулланиши ва зарур нарсаларни тез ўзлаштириб олади.

Энди ўзинг ўйлаб кура: машгулотлар пайтида бутун диққатинг ва қобилиятинг-ни дарсни ўзлаштиришга сарфлаб, бошқа болалардан ўзиб кетиш, яхши ном қозониш ва ўйин-кулгу учун кўпроқ вақт орттириш яхшими ёки машгулотларда ҳаёл суриб ўти-риб, ўзингдан қичкиналар «калаварама», дея устидан қўлишларига йўл қўйиб бериш, устига-устак дарсни ўзлаштиролмай соатлаб китоб варақлаб, ўйиндан махрум бўлиш ях-шими?

Маҳорату камолатга қандай йўл билан эришини биласанми?

Биринчидан, бунинг учун аввало тангри ва одамлар олдидаги ўз бурчининг адо эт-моғинг лозим. Бўйсиз сен қилаётган ишлар-нинг барчаси аҳамиятсиздир.

Иккинчидан, ҳар томонлама чуқур билим олишга интилиш зарур. Чунки ўзи одо-ли бўла туриб, саволи ҳаминқадар киши жа-моа уртисиди катта обрў қозонишмайди. Ва



Шундай бўлса-да, юқонг, лотин тилла-рини урганиш, крикет ва ишг ўйинла-рин бунча машгулотлар сени бу муҳим масаладан ўзлаштириб қўйиши мум-кин. Шу боисдан лорд Ореиникида унинг тарбияли одам сифатида на-моён этишинг лозимлигини эслатишга ҳурят қиламан. Инсоннинг ноёб қо-билиятларини англаш учун анча вақт керак бўлади. Одоблик, хушфелилик эи бир қарақдақ назарга тушади. Ях-нин тарбия керак таълим ширин су-ларда эмас, балки ҳар бир хатти-ҳара-кат, юриш-туришда куришиб туради. Шу сабабдан ҳам сента мурожаат қилишганда кулимсираб жавоб беришинг, агар яқин-роқ ўтиришни тақлиф қилишмаса, дав-ранинг пойтахтидан жой олишинг, бирин-чи қадаҳини ўй бекасининг, кейингисини оила бошчилигининг соғлиги учун қутари-шинг лозим бўлади. Оқатта ташланмас-дан, пала-партлиликка йўл қўймай, зийрак бўлишинг керак. Ҳамма турғида ўтириш, юзани бўжмайтириш, бирон иш малол кел-летганини сездириб ярамайди. Мен ха-миша телбалар сингари булар-бўлмаста қа-ҳқа отавер демоқчи эмасману, лексин ўти-риганинда чехранда самимият барқ утиб турсин.

Ўз-ўзини бошқара билиш, назокат бил-ан хатти-ҳаракат қилишга эришини учун узоқ вақт, оғир меҳнат талаб этилади. Та-возели ҳаракатлар кур-курона дабдаба, очикдан-очик сурбетлик ва уринсиз тор-тиқчиликдан тублан фарқ қилади. Лексин инсонда босиқлик, қатъият ва камтарлик меъерига булгани маъқул. Бу меъерин, ду-невий билимларинг ва ҳаётий тажрибанг-га таяниб, ўзинг белгиллаганинг маъқул.

Кеча мистер Фитсжералдин урчатган элим, сени роса мақтди. Бундан бун ҳам мактовларга дойққ бўлишга интиласан, деб ишонаман. Хайр.

(Давоми бор).



осмонга етарди. Вазьлар вафосизлик телба-лик, виждонсизлик ва ҳатто жинойт экани сента аён. Шу боисдан ҳам телбаликки, сента одамларнинг ишончи йўқолади, бу эса виждонсизлик ва жинойтнинг ўзгасидир. Ҳақгўйлик — дин ва ахлоқнинг энг бирин-чи шарти. Ўз сузининг устидан чиқолмайдиган одамда яна бошқа фазилатлар борлиги-га ҳеч ким ишонмайди. Елгончидан худо ҳам, бандаси ҳам юз утиради. Бир суз бил-лан айтганда, менга берган вазьлардан таш-қари ҳақиқат, ор-номус, ўз гуруринг ва ман-фаатинг йўлида қайси ишга кул урсанг ҳам ҳақиқат бошқалардан ўзиб кетишга интила-сан, деб уйлайман.

Сендай пайтларимда бирор бола дарслар-ни мендан кура яхши ўзлаштирса еки қайси-ди унинг мендан моҳирроқ бўлса, буни ўзим учун шармандали ҳол ҳисоблардим ва ишга рақибимдан ўзиб кетмагунимча тиниб-тинчмасдим. Шону шухратларга қўмилиб яшаган Юлий Цезар: «Йилда иккинчи бўл-гандан кура, кишлоқда биринчи бўлишни афзал билардим», деб кўп айтган экан. Бир кунги у Буюк Искандар ҳайкали олдида ту-риб, Искандар Мақдуний ўттиз ешидақ жа-ҳоний шон-шухратга эга бўлгани, ўзи эса ени ўтиб қолгани туфайли ҳеч қачон унинг шухрати даражасига ета олмаслигини ўйлаб, йилга юборган экан.

Бундай туйғулар инсонни ҳақиқат олға интилишга қорлайди, голибликни талаб қил-майдиган кишилар эса умрларини сокин ва маъмуслиқда ўтказадилар. Барчалан ўзиб ке-

линоҳат, ақло даражалар олоб эгаси бул-ишга интил. Зеро, интизомли, илмли бўлгани-нг билан феълингда нуқсон бор экан, одам-лар сендан ўзини олиб қочаверад.

Буларни доимо елдинда тут. Ҳар уччала тафрифи чуқур ўзлаштириб ол. Одамлар сента ўзиб ақидаларга қандай рива қили-шингга қараб муомала қилишад. Сенинг...

X

Шанба

Сэр!

Сизнинг билимдонлигингиз ва истеъло-ларингизнинг бошқа ажайиб қирралари тафриф-тавсифи ҳақидаги миш-мишлар лорд Ореининг қўлогига ҳам етиб келибди, у киши дан олиш кўни сизни ўзи ва лорд Бойл билан бирга тузликка тақлиф етди. Мен тузликка келишингизни айтдим.

Назаримда, ўшбу мактуб етиб бортунча тақлифномани олсан, мабодо тақлифнома кечикса ҳам барибир эртага соат икки-уч-лар орасида у ерга бориб, милорднинг мен етказган талабига кура лорд Бойлнинг хузу-рига келганини бидирасан. Демак, эртага сен билан бирга тузлик қилиш парадидан махрумигининг боиси шу, аммо индини бирга нонушта қилармиз деган умиддан, сента шоколат тайерлашни буюраман.

Ешинг, ҳаётий тажрибанг, дуневий билимларинг меннинг вазифамни енгилатади, яъни хушмуомалалик талаб одамлар учун нақадар муҳим эканлигини сента тақдор-тақдор ўқитиришдан каминани ҳалос етади.

Шундай деймиз-у, одам одамдан ҳам кўрқар экан. Акс ҳолда Жужи бободан одамлар бунчалик ҳайқмаган буларди-лар.

Баъзан чол кишлоқ усмирлари билан гурунг қиларди.

Дарё бўйида, кишлоққа киравериш-да устига ялов бойланган ўта шаҳид бор. Очарчилик йиллари бу ерда бир келин-чак икки боласи билан буғизланган. Бу-ни кишлоқ одамлари яхши биладилар.

Гурунг-гурунг билан бўлиб бир жума-

Девортогдан нари, дарё ёқасида ёй-либ жойлашган кишлоқда бир чол яшайди.

У кишлоқ яқинидаги тоғ ён бағрила-ридан анча ерни тошдевор билан айлан-тириб олди, уни тозаллади. Тупроғи оз жойларига ешак билан тупроқ ташиб тўк-ди, экин усадиган қилди.

Кучат бир томир олса бас. Бу то-

мирлар тошни ёриб бўлса ҳам ернинг нам бағрига интилади, жойлашиб кета-ди, заминдан ўз насибасини сўраб ола-ди.

Боғнинг буй курсатиб, қўзга ташлан-ганига ҳам анча бўлиб қолди. Энди тоғ бағридаги бу мевозор жаннатнинг бир бу-лагини эслатарди.

Боғ ичиди чол тошдан бир томча кур-ди. Боққа кираверишда ёғоч дарво-за устига ёзиб қўйди: «Мевалардан қорнинг туйғунича е, лексин шохла-рини синдирсанг, қўли-нг синсин!»

Пишиқчилик пайти боққа айиқлар ҳам қадам ранжида қилиб туриша-ди. Аммо улар бобо бит-ган ёзувни ўқий олган-маганликлари туфайли урик, олма, бодом шох-ларини қайириб синди-радилар, меваларини еб, қорини туйдириб кета-дилар.

Янаги баҳорда айиқлар синдирган шохларнинг урнидан яна янги нов-далар ушиб чиқади, гуллайди, мева солади.

Боғнинг эгасини Жужи бобо дейи-шади. Асл отини ҳеч ким еслай ол-майди. Кишлоқда бу боғни Жужи бобо худодан ўз-гуноҳларини сўраб олиш учун яратди, деган гап юради. Лексин чолнинг ўзига буну ҳеч ким айтмайди. Ундан ҳамма ҳайқайди. Негат? Наҳот шунча йилдан бун тоғ оналари унга туғри гапни айтадиган бирон мард йигитни вояга етказиш-маган бўлсалар! Гап шундаки, Жужи бобо ҳозир ҳам боғида ҳафалаб қо-либ кетади. Инсон аслида ўз зотиға мансуб бўлмаган жонзотлардан, ило-ну чаёнлардан, шокўлу бурилардан, шеру йулбарслардан кўрқиши та-биий.

БИР ХОВУЧ МАЙИС

(Узоқ ўтмишдан ҳикоя)

рд усмир бободан бу ҳақида сўраган:

Жужи бобо, нега шуларнинг жонига жабр қилгандингиз?

Бир ховуч майизи бор экан. Сўра-дим. Бермади. Кейин...

Уша аёл ҳам икки гўдағи билан оч бўлган экан-ку?

Айтдим-ку сenga, уларнинг бир ховуч майизи бор эди деб.

Гўдақларга раҳмингиз келмадимки?

Раҳм қилсам, ўзим очдан улардим-да.

Унда майизни олиб, уларни омон қол-дирсангиз бўлмасмики?

Жужи бобо шоқолниқидек уйнаб тур-ган кузлари қулиб деди:

Улар барибир очдан уларди-да. Кейин худо қўнгилга шу ўйни солган бўлса ке-рак...

Наҳотки худо қўнгилга шундай ният-ни солса?!

Булмаса шайтон қўнгилга солгандир...

Кишлоқ яқинида — тоғ бағрида Жужи

чолнинг боғи бор. Унинг дарвозаси доим очик. Дарвоза пештоқиди «Ме-валаридан қорнинг туйғунича е, шохини синдирсанг қўлинг синсин!» деб ёзиб қўйилган. Чол боғни Аллоҳ олдида ўз гуноҳларини ювмоқ учун бино қилган дейишади.

Аммо... кишлоқ одамлари, ўтинга, ов-га борган кишилар боғда мевалар гарқ пишиб етганда ҳам унга қўл урмайди-лар. Кечалари эса баъзи жайра, айиқ, қобонлар келиб, боғда яйрайдилар. Да-рахтларнинг шохини синдиради, мева-ларидан туйғунча ейди. Лексин янаги ба-ҳорда синган шохлар урнида янги нов-далар ушиб чиқади, ларзон-ларзон ме-валар солади.

Девортогдан нари, дарё ёқасида-ги кишлоқда бир чол яшарди. Худо ун-инг гуноҳларини кечирдим, йўқми... бил-мадим.

Бозор Илёс ал-АМИН



• Оила сабоқлари

АЖРАШИШГА ШОШИЛМАНГ!

Республика мустақилликка эришган да-
стлабни кунлардан бошлаб соғлом айлдо
тарбиясига, оила мустақамлигига катта
эътибор берилмоқда. Оила мустақамли-
гини таъминлаш борасидаги ишлардан би-
ри-ажрашиш даражасига бориб қолган ои-
лаларни сақлаб қолишнинг йўллари из-
лашдан, оилада носоглом муҳитни юзага
келтирган сабабларнинг тўлиқлигини
ёқиб беришдан иборат бўлмоғи керак. Бир-
икки йил яшаб айрим сабабларга кура аж-
рашишга қарор қилган ёшлар: «Энди бир-
га яшолмаймиз, оиламизни сақлаб қолиш-
нинг иложи йўқ», деб ҳисоблайдилар. Пси-
хотерапевт ва сексопатолог врачларнинг
кузатишларига, куп ҳолларда аризмаган са-
баблар, осонгина ҳал этиш мумкин бўлган
нарсалар тўғрисида ёшлар ана шундай кес-
кин хулосага келар эканлар. Айрим ота-
оналар ҳам фарзандларига маслаҳаттуй бў-
лиш, йул-йўриқ кўрсатиш урнига, худди
олоғига мой сепгандек тескари иш қиладилар.

Бутунги суҳбатимиз оилаларнинг бар-
бод бўлишига олиб келадиган сабаблар ҳа-
қида борар экан, шу уринда никоҳ ва ои-
ла туртисиди ҳам қисқача тўхталиб ўтсак.
Эрак ва аёлнинг узаро муҳаббат, ҳур-
мати асосида қурилган, уларнинг олдига
маълум ҳуқуқ ва бурчларни қўядиган, уз-
ларидан насл қолдиришга қаратилган, ит-
тифоқига никоҳ дейилади. Зеро, оила ку-
ришга бўлган интилиш инсоннинг табиий
интилишларидан бири ҳисобланади.

Оила нафақат биологик, шу билан бир-
га ижтимоий категория сифатида жамият
ҳаётига таъсир этиши, табиий. Шунинг
учун ҳамма даврларда ҳам никоҳ ва оила
жамиятнинг ва давлатнинг диққат мар-
казида бўлиб келган. Ҳам жисмоний, ҳам
маънавий жиҳатдан соғлом ва баркамол
оилани тарбиялаб вояга етказиш учун ои-
лада ҳам соғлом муҳит, аҳилилик ҳукм
сўриши лозимлигини англаб етган ҳуку-
матимиз бу борада катта ишлар қилмоқда.

Ҳаётда ҳамма нарсаси ҳам хамирдан қил
сугургандек осон кечавермайди. Айрим ои-
лалар ўз олдларида қўйилган бўладиган
ижтимоий-маънавий, иқтисодий ва бошқа
қийинчиликларни ентиб ўтишга, ота-она-
лари, қариндош-уруғлари, қўни-қўшила-
рининг улашига бўлган салбий эси иж-
бий муносабатларидан тўғри хулосалар чи-
қаришга қийналадилар. Бу ҳол кўпгина
оилаларда келишмовчиликларни юзага кел-
тирилади.

Оиладаги ҳар қандай келишмовчилик
асосида оила аъзоларининг дунёқарашида-
ги, қизиқишларидаги, маънавий ва бошқа
интилишларидаги қарама-қаршиликлар
етди. Афсуски, уларни ҳал этишнинг йўл-
лари билмаслик тўғрисида айрим ҳолларда
иш судда ариза қўтариб бориш билан яку-
нланади. Руҳиятшунослар оилавий келиш-
мовчиликлар қўйидаги оқибатлар билан ту-
гашни мумкин деб ҳисоблайдилар.

Биринчидан, томонлардан бирининг ўз
ҳукмини ўтказишга интилиши. Иккинчи-
дан, томонларнинг бир-бирларига эн бер-

масдан вазиятни кескинлаштириши. Уч-
инчидан, томонларнинг юзага келган келиш-
мовчиликни ҳал этишни истамасликлари.

Келишмовчиликларнинг нотўғри ҳал эти-
лиши тўғрисида оилада носоглом муҳит юза-
га келади, бу эса болалар тарбиясига сал-
бий таъсир этади. Улар жиззак, қизиқсон
бўлиб қоладилар. Эр ва хотин фақат бир-
бирларининг камчиликларидан гапириб, ҳа-
қоратли сўзларни, баъзан эса муштни ишта
соладилар. Бундай вазият охир-оқибат ои-
ланнинг барбод бўлишига — ажрашишга олиб
келади.

Сунити йилларда балоғат ешидагиларга,
еи оилаларга ва умуман, эраклар ва аёл-
га мўлжалланган кўпгина адабиётлар нашр
этилди. Лекин уларни ҳамма ҳам ўқияпти
деб бўлмайди. Ўқиганлар ҳам уш қитбо-
лардаги фикрлардан, маслаҳатлардан ҳаёт-
ларида фойдаланишга интилмайдилар. Бу-
ни афсус билан қайд этмай илож йўқ.

Вилоят ва шаҳарлардаги, туманлардаги
поликлиникаларда андролог, сексопатолог
ва психотерапевт врачлар ҳам борлигини,
Тошкентдаги шаҳар болалар консултация
марказида «Никоҳ ва оила» бўлими мавжуд-
лигини кўпчилик билимайди. Ваҳоланки, ои-
лада юзага келган келишмовчиликларни
ҳал этишда шулардан фойдаланиш маслаҳатлар,
йул-йўриқлар олиш мумкин.

Яқинда менинг қабулимга урта яшар ки-
ши келди ва айтишчи, оила қўрғанига 13
йил бўлибди, уч фарзанди бор экан.
Кейинги 5-6 ой ичида хотини билан муно-
сабатлари жудаям ёмонлашиб қолди. Суҳ-
батимиздан маълум бўлдики, келишмовчи-
ликнинг сабабларидан бири жинсий муно-
сабатларга бориб тақалар экан. Эрак ҳатто
узининг соғлом эканлигини шубҳаланиш-
га бориб етибди. Биз уни текшириб кур-
дик, ҳеч қанақа касаллик аниқланмади.
Шундан сунг биз унинг хотинини суҳбатга
чақирдик. Аёл турмуш уртини таърифлар
екан, унинг камгап, ўз қобияти ураллиб қол-
гани, оиладаги барча юмшларни унинг ел-
касига ташлаб қўйганигини айтди. Янги
ўкув йилининг ёки қийинчи яқинлашиб
қолганини ва уларга тайёарлаш кераклиги
ёқд катта-катта хатталарни қўтариб бозор-
уҳд қилиш аёлга оғирлик қилиши му-
кинлиги ҳужайинининг ҳатто парвойига ҳам
келмаслигини айтиб гапирди. Бунга қара-
нги, 13 йиллик узаро турмуш мобайнида
эр хотинининг иши, ишхонасидаги гап-сўз-
лар билан бирор марта ҳам қизиқмапти.
Шундан сунг аёл 13 йиллик оилавий ҳаёт-
га бир назар ташлаб «Мен эримга турмуш
уртоғи, болаларининг онаси, уй бекаси си-
фатида керак эмас эканман. Менинг борли-

гим фақат тушмақдигина эсига келади. Энди
ажрашмасак бўлмайди», деган хулоса чиқа-
ради.

Марказимиздаги тажрибали врачлар улар-
нинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида, ҳам-
да биргаликда махсус суҳбатлар ўтказишди.
Эрга аёлнинг руҳияти, эр-хотинлик муноса-
батларининг руҳият билан боғлиқ томонла-
ри ҳақида тушунчалар беришди. Ҳозир бу
оила аҳил ва иноқ, бахтли ҳаёт кечирмоқда.

Айрим оилаларда турмуш қуришганига
бир неча йил бўлсада, фарзанд тутилмайди.
Бу ҳолда кўпгина ҳамма аёлни айбдор деб
билиди ва эрга у билан ажрашиб, бошқаси-
га ўйланишга маслаҳат беришчилар куп бу-
лади. Лекин ҳар доим ҳам бепуштликка аёл
сабабчи бўлавермайди. Мана, шунга эркин
мисол. «Никоҳ ва оила» маслаҳатхонамизга
30 ешли йигит мурожаат этди. У биринчи
аёли билан етти йил яшаб, фарзандсизлик
тўғрисида ажрашибди. Қайта ўйланишга ик-
ки йил бўлсада, бу хотиндан ҳам фарзанд
бўлмастган экан. Текширишлар натижасида
аслида бутун айб йигитнинг ўзида эканли-
ги, яъни унинг касаллиги тўғрисида фарзанд
бўлмастганлиги аниқланди. Бундан хабар
топган хотини, агар даволанмаса бепуш эр
билан яшамаслигини, ажрашиш учун ариза
беришини билдирди.

Республикамизнинг кўпгина жойларида
куёв келинини қўшанасига туй оқшони
кириши шарт. Ёшларнинг одам анотомия-
си ва физиологияси, жинсий муносабатлар
масалаларида етарлича билимларга эга эмас-
ликлари тўғрисида, айрим ҳолларда висолни
биринчи кечаси қўйилган натижани бер-
маслиги мумкин. Баъзан бу ҳол бир неча
кунга, ҳатто ҳафталарга қўзилади. Бундай
пайтда катталар келин-куёвининг аҳволини
тўғри тушунишга яхши, мабодо акси бўлса-
чи, Фалончининг ўғли тўйдан кейин ҳам
бир неча кун ўтсада, келин билан қову-
шолмағандлиги ҳақидаги гап-сўзлар маҳалла-
га дув-дув тап бўлиб тарқалади. Қиз томон
куёвининг ота-онасига «Ўзингиз касал бўл-
са уйлантириб нима қилардингиз?» деган-
дек ҳақоратомуз айблар қўйиши мумкин.
Ваҳоланки, бизнинг кузатишларимизнинг
кўрсатишчи, бундай ҳол батамом соғлом
мулк-қиларда ҳам учраши ҳеч гап эмас.
Шундай экан, бундай пайтда ортқча гап-
сўзларни қўйишмай, мутахассис врачлар-
дан маслаҳат сўраган маъқул.

Юқорида айтилганлардан қўриниб туриб-
дики, ажрашишларга интим-ишқий муноса-
батлардаги келишмовчиликлар, қарама-қар-
шиликлар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Ле-
кин ўзбек халқининг аяна ва удумлари,
жинсий тарбия масалаларига муносабатла-



риш эътиборга оласак, «характерларимиз
тўғри келмади» деб судда ариза бергандар-
нинг ичида асли интим-ишқий муносабат-
лар тўғрисида бу ишга қўл урганлари ҳам
анчагина бўлиши мумкин. Фақат «ўзбек-
чилик» деган нарсаси бунга очик тан олишга
имкон бермайди.

Шу уринда яна бир фикрни айтиб ўти-
шимиз керак. Агар бирор еримиз оғриб
қолса, дарров бу ҳақида яқинларимизга айт-
миз, врачнинг ҳузурига ошиқамиз. Агар
ана шу касаллик жинсий аъзолар билан
боғлиқ бўлса-чи? Аксинча, дардимизни
ичимизга ютиб юраверамиз, ҳатто мута-
хассис врачларга ҳам учрашмаймиз. Бунин-
г натижасида касаллик ўтиб кетиши, сал-
бий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Юқоридагилардан хулоса қилиб қўйи-
ладиларни уртага ташламоқчиман:

1) республикамизнинг ҳамма жойлари-
да никоҳдан ўтгаётганлар учун «эр-хотин-
лик муносабатлари психогигиенаси» ма-
вzusида машғулотлар ўтказилиши керак;

2) «Оила ва жамият» газетасида «Оила
сабоқлари» номли доимий руҳи ташкил
этиб, гинеколог, сексопатолог, психотера-
певт врачларнинг кузатишларининг, газета
ўқувчиларининг шу мавзуддаги саволари-
га жавобларини бериб бориш лозим;

3) судда ажрашиш ҳақида ариза берган-
лар психотерапевт, гинеколог, сексопато-
лог врачлар қўригидан ўтиш учун йўл-
лаштириш шарт. Уларнинг фойдали маслаҳат-
лари, йул-йўриқларидан кейин оилани сақ-
лаб қолиш имконияти ошса ҳеч гап эмас.

Махсуд МАХМУДОВ,
«Никоҳ ва оила»
маслаҳатхонасининг олий табакали
психотерапевти

КЕЛАЖАК — БОЛАЛАРНИКИ

Жиззах шаҳар болалар жамгармаси
ўз фаолияти давомида анчагина савоб-
ли ишлари амалга ошириб келмоқда.
Мисол тариқасида яқинда 23 август ку-
ни ўтказган тадбиримизни кўрсатиши-
миз мумкин. Уш кунни жамгармамиз
аъзолари шахримиздаги 70 нафар етим-
есир ва 250 та ногирон болалар аҳво-
лидан баҳоли қудрат хабар олиниб,
уларга совға саломлар улашдилар. 29
август кунни эса шахримиздаги Пирма-
тов номли болалар уйида учрашув ўт-
каздик ва болаларга кийим-кечак ва
турли хил совға-саломлар тарқатдик.

Республикамиз мустақиллигининг 4
йиллигига жамгармамиз катта тайёргар-
лик қўрган. 1 сентябр кунни Жиззах шаҳ-
ри мустақиллик майдонидаги байрам
тантаналарида болалар чиқишини жуда
ҳам ажойиб қилиб ташкил этаётимиз.
Уш кунни байрам муносабати билан 1
сентябрда тутилган чақалоқларга ва ши-
фохонада ётган болаларга байрам сов-
галари улашини режалаштириб
қўйганмиз. 2 сентябр кунни эса шаҳар
ижодкорлар уйида ёш ижодкор болалар
билан байрам учрашув ўтказиш ния-
тимиз бор. Унда ижодкор болаларга
мустақиллик байрами муносабати би-
лан турли хил совғалар топширилади.
Болалар жамгармаси Жиззах бўлими

ходимлари Республикамиз Президенти
И. А. Каримовнинг «Савобли ишни ҳар
қуни қилиш керак, савобли ишни ҳар
ким қилиш керак» деган доно чақириқ-
ларини амалга ошириш мақсадиди бар-
ча имкониятларини ишга солмоқдалар.
Бу борада қўпгина корхона ва ташки-
лотларнинг ёрдами жуда катта бўлмоқ-
да. Булар орасида Жиззах шаҳридаги
«Восток» фирмаси, Аҳмад Соатов номли
пайпоқ фабрикаси, 7,8 дон маҳсу-
лотлари комбинатлари, Жиззах шаҳар
таксопарки бор. Бизга ўзларининг хо-
лис ёрдамини бериб келадиган барча
корхоналарга ва уларнинг ишбилармон
раҳбарларига ўз миннатдорчилигини
изҳор этмоқчиман. Уларнинг ишлари
доимо бароридан келсин.

Мен келажатимиз бўлиши болалар-
нинг соғлом, кўнгиллари бутун бўли-
шини истардим. Бунинг учун эса бир-
гина болалар жамгармаси ёки «Соғлом
аилдо учун» хайрия жамгармаси амалга
ошираётган ишлар камлик қилади. Шу-
нинг учун барчамиз болаларга катта
эътибор бермоғимиз, уларни тўғрисида
ва ақлли қилиб тарбияламоғимиз керак.
Чунки келажак — болаларники.

Дилором РАСУЛОВА
Республика болалар
жамгармаси Жиззах шаҳар
бўлими раиси

• Ёпирай

ГАПАТИ МЕХМОНХОНА

Швеция пойтахти Стокгольмда 300
йилдан ортқ вақт ичида жиноятчи, ўри-
и ва қотилларни ўз ичида сақлаган
қамоқхона. 1910 йилга қадар ўлим жа-
зоси тайинланган жиноятчилар қатл
этилган жой — Лагхольмен номли қамоқ-
хона 1975 йилга келиб ёпилган эди. Қўп-
гина шведияликлар қамоқхонани бутун-
лай епилди, деб ҳисоблашарди. Лекин
стокгольмлик ишбилармонларнинг фик-
ри бунга бутунлай ўзгартириб юборди.
Улар қамоқхонани жиҳозлаб қамоқхона
типидаги меҳмонхонага айлантиришди.
Ишбилармонларнинг бу фикри муваф-
фақиятли қийиб қолди. Қамоқхона ҳаё-
тини яқиндан, амалда қўришни истов-
чилар бугунги кунда Лагхольмен дарво-
заси олдида навбат қўтиб ҳам қолмоқ-
далар. Кимдир бир кечани, яна кимдир
бир неча кунни маҳбуслар муҳотида ўт-
казишни маъқул топмоқда.

Қамоқхона-меҳмонхонага келувчилар-
га ҳам жиноятчи-маҳбусларга берилади-
ган кийимлар берилади ва камераларга
жойлаштирилади. Умуман олганда ик-
тиёрий бандилар ўзларини тутқиндаги-
дек тутишлари учун барча қамоқ шароит-
лари мавжуд. Улар томошабин сифати-

да қамоқхонанинг барча жойлари билан
танишиб чиқадиладар. Сайр қамоқхона-
ни 300 йиллик тарихини баён этувчи
экспонатлар жойлашган музейдан бош-
ланиб, суд зали, жиноятчиларни жазага
тортадиган махсус жойларга бориб ту-
гайди.

Агар қамоқхонанинг «маҳбуси» озод-
ликка чиқмоқчи бўлса, бир неча теле-
компьютер уйинларида голиб чиқиши
лозим. Албатта, бу ҳазил, чунки «маҳ-
бус» ётган камеранинг қалити унинг
ўзида бўлади. У қачон истаса уш пайт-
да «озодликка» чиқиши мумкин.

Бу ерда «маҳбуслар» жиноятчи маҳ-
бусларга бериладиган қўригидан нон
ва сувдан ташқари иссиқ чой, коктейль
ҳамда пирожнийлар билан ҳам сийла-
надилар.

Қамоқхона-меҳмонхонанинг директо-
ри жаноб Ола Ниманнинг таъкидлаши-
ча, бўш пайтларини панжара ортида ўт-
казишни ҳуш кўрувчилар сони кўндан
кўнга кўпайиб бормоқда экан. Сток-
гольмнинг бу гайритабиий меҳмонхона-
сида бир кун яшаш 140 долларни таш-
кил этиши ҳам ҳеч кимга малол келает-
гани йўқ.

Эркин ЭШОНҚУЛОВ



СУТ ИЧИНГ — ГЎЗАЛ БЎЛАСИЗ

Сутни шакар билан ичилса, юзнинг рангини чиройли қилади.

Сут энг кучли таом. Шунинг учун сутдан истеъмол қилгач, у то ҳазм бўлмагунча ухламаслик, унинг устидан бошқа овқат емаслик керак.

Сут иссиқ миҳозли ёшлардан кўра ёши улғайган кишиларга кўпроқ ёқади.

Сут кўпинча ўз ишини ични суриш ва ичаклардаги чиқиндиларни чиқариб ташлаш билан бошлаб, сунгра озиқлантиради.

ҲАМ ФОЙДАЛИ, ҲАМ ЗАРАРЛИ

Ҳаммом иссиқ ва мўтадил ҳўлланиш ва яхши тозаланиш учун керакдир. Ҳар бир киши ҳафтада бир марта ҳаммом-

ни иложи борида қанда қилмаса тоза ва ҳар хил касалликлардан ҳоли юради. Бу мақсад учун ҳаммомда узоқ вақт қолиш шарт эмас. Унинг териси қизариши билан совунлашдан олдин гавдани қаттиқ мато билан ишқалаш керак. Бундан унинг терисининг тешиклари ёғ, кирдан тозаланиб кенгайди, кайфияти яхшиланади.

Ҳаммомдан чиққач ёки ҳаммомнинг ўзидан совуқ ичимликларни ичишдан сақланиш керак. Чунки бу бошқарувчи аъзоларга бориб сил ва шамоллашни келтириб чиқаради.

Ҳаммомдан чиққандан сўнг, бошни бирдан яланг қилиш, танани совутишдан сақлаш керак. Ҳаммомдан кийимга ўралиб чиқиш керак.

Ҳаммомнинг фойдалари билан бирга кўп тушса зарари ҳам бор. У заифлашган аъзоларга чиқиндиларнинг қуюлишини оsonлаштиради, иштаҳани туширади, жинсий алоқа қувватини заифлаштиради.

ЯШИЛ ДОРИХОНА

Азиз газетхонлар, сизларни турли доривор гиёҳлардан хасталикларни даволашда фойдаланиш йўллари билан та-

ништиришда давом этамиз.

ТОҒЖУМУРТУНинг пустилогли ва ГАЗАНДА УТ баргидан 3 қисмдан, ҚАЛАМПИР ЯЛПИЗ баргидан 2 қисм ҳамда ИГИР, АСАРУН усимликларининг илдиз-поясидан 1 қисмдан олиб, 2 ош қошиқ йиғма тайёрланади. Йиғмани 2 стакан қайноқ сувга солиб, 10 минут давомида қайнатинг. Тайер бўлган қайнатма докадан ўтказилиб, эрталаб ва кечқурун 1/2 стакандан ичилса, ичакнинг иш фаолияти яхшиланади.

Буйрак хасталигида ва юрак қон-томир хасталиги туфайли шиш пайдо бўлганда куйидаги усулда сийдик ҳайдовчи чой тайёрлаш мумкин.

ТОЛОҚНЯНКА усимлиги баргидан 3 қисм, БУТАКУЗнинг саватчагулидан ва ШИРИММИЯнинг илдизидан 1 қисмдан олиб, 1 ош қошиқ йиғма тайёрланади. Йиғмани бир стакан қайнаётган сувда ярим соат дамлаб қуйинг. Сўнг докадан ўтказиб, кун давомида 4-5 маҳал, овқатланишдан ярим соат олдин 1 ош қошиқдан ичиш керак.

Куруқ йўтал безовта қилаётган кишиларга куйидаги дамлама тавсия этилади.

ДОРИВОР ГЎЛХАЙРИ, ОҚҚАЛДИРМОҚ ва ДАЛАРАЙХОНдан 20 граммдан олиниб, бир ош қошиғи 400 мл қайноқ сувда 20 минут дамланади. Дамлама-ни докадан ўтказиб, ҳар 2 соат да 50 млдан ичиш керак.

ДЕРАЗА

ЎЛИМДАН БАТТАР ЖАЗО

Америкада Кристофер Харрис исмли кишини маҳаллий судлардан бири одам ўлдириш ва ўғрилиқ қилишда айблаб 117 йилга озодликдан маҳрум этди. Бу ҳам камлик қилгандек суд ҳайъати раиси Кристоферга қамоқда пайти у содир этган қотилликлар туширилган фильмларни кўриш ва қариндош уруғларининг унга айланган лаънатларини эшитишни ҳам тайинлади. Бу жазолар Кристофернинг қамоққа тушган кунидан бошлаб озодликка чиққунга қадар давом этиб туриши таъкидланди. Энди гап жиноятчининг 117 йил яшашида холос.

СУВ ОЛИБ ЮРИШ МАН ЭТИЛАДИ

Италияда нафақат курул-яроғ ёки наркотик моддаларни олиб юриш, балки денгиз сувини олиб юриш ҳам ман этилади. Агарда полиция ходими машина бағарида ёки қўлингиздаги идишда денгиз сувини топиб олса, унда катта пул миқдоридида жарима тулашга ёки жиноий жавобгарликка тортилишга тўғри келаркан. Расмий кишиларнинг таъкидлашича, бу билан денгиздан олинмаган ош тузини сақлаш мумкинмиш. Бу қоида фақатгина иккинчи жаҳон уруши давридагина бузилган холос.

ЮТУҚҚА БИР КИЛО ОЛТИН

Америкалик енгил атлетикачи Майкл Жексон агар Цюрихда ўтказиладиган 400 метрлик югуриш бўйича мусобақада голиб чиқса, 50 минг доллар ва 124 минг долларлик бир кило тилло олиши мумкин деган тахминлар бор. Журналистларнинг айтишича, бахт унга қулиб бокса Майкл юрган вақтининг ҳар секундида 3 минг доллар олиши мумкин экан.

ЧЕКИШ — ЮРАК ЭГОВИ

Англиялик медикларнинг ўтказган ўрганишлари натижасида чекувчилар билан чекмайдиганлар орасида жуда кўп фарқлар борлиги аниқланди. Биргина юрак хуружи тутиши чекувчиларнинг 30 ёшдан 50 ёшгача бўлганлар орасида чекмайдиганларга нисбатан 5 маротаба кўп учраётган экан.

ЭНГ АРЗОН МАҲСУЛОТЛАР

Бошқирдистонда истеъмолдан чиқариб ташланган чет эл озиқ-овқатларини намойиш этиш маросими бўлиб ўтди. Бу маросимнинг ташкилотчиси Республика стандартлаштириш маркази бўлди. Бундан нима мақсад кўзланганлиги ҳам номаълум. Лекин Уфа киоскларидан «Арағи» коягини, «Спуманте» шампанини энг арзон нархларда топиш мумкин.

БУНАҚАСИ УЧРАМАГАН

14 ёшли ереванлик Агнесса Авоян бирданига икки қули билан расм чиза олади. Яна икки қули бошқа-бошқа расмларни чиза олиш қобилиятига эга. Агнесса ҳозир Ереван бадий билим юртининг иккинчи курсида таҳсил олаяпти.

Чет эл матбуот манбалари асосида тайёрланди.

● Буш вақтингизда

«ТОШКЕНТ-95» БОШҚОТИРМАСИ

Авал куйида таърифланган сузларни топиб белгиланган йўналиш бўйича рақамли хонадан бошлаб эзинг.

Энига. 1. Ўзбекистон футбол терма жамоаси уйинчиси. 2. Қиличбозлик ва бошқа баъзи спорт уйинларида фойдаланиладиган химоя мосламаси. 3. Сув спортини воситаси. 4. Ўзини химоя қилишга асосланган спорт тури. 5. Бокс мусобақасининг бир бўлими. 6. Сув спорти тури. 7. Мەرғалида мулжалга олинган нуқта, жиҳоз. 8. Қим узар мусобақа. 9. Спорт соврини. 10. Тоғнинг ўтиш қулай жойи. 11. Мамлакатимиздаги қадимий оммавий спорт тури. 12. Енгил атлетикага мансуб мусобақа.

Айлана бўйича рақамли хонадан соат милли йўналишида.

13. Куч ва чаққонлик талаб қилинадиган спорт турлари мажмуаси. 14. Катталараро чемпионлик унвонини кўлга киритиб «Олтин кабар» билан тақдирланган Ўзбекистонлик профессионал боксчи. 15. Спорт тури. 16. Тўп билан уйналадиган уйин. 17. Замонавий кураш тури. 18. Халқаро спорт мусобақаси. 19. Қозоқ халқ полвони, кураш ўстаси. 20. Нишонга беҳато уриш спорт. 21. «Пахтакор» жамоасида уйнаган ҳу-

жумчи, ҳозир мураббий. 22. Ўзбек футболчиси, турурларнинг Федотов рамиш клуби аъзоси. 23. Тошкентдаги замонавий теннис уйингоҳи. 24. Нафис гимнастика бўйича Ўзбекистоннинг бир неча бор чемпиони.

Энди куйидаги муаммонимани ҳал этинг.

1. Олий табақа футбол жамоаси - 11, 12, 14, 13, 6.

2. Кайиқнинг қисми - 17, 8, 10, 4, 10.


3. Болаларнинг баҳорги уйини - 5, 2, 1, 4, 10.

4. Спорт анжумани - 7, 15, 12.

5. Ҳаракат билан ижро этиладиган санъат тури - 9, 4, 16, 3.

Оқич жавобидаги

харфлар асосида шакл атрофидаги рақамларда яширинган ҳикматни топинг. Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ



ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Ҳурматли падари бузрукворимиз Бердиқул ШУКУРОВ!

Сизни 1 сентябрь таваллуд кунингиз муносабати билан чин қалбдан қўтлаб, узоқ умр, бахт-саодат ва сермашаққат ишларингизда зафарлар тилаймиз.

Илоё, доим соғ-саломат юринг, оиламиз бошида посбон бўлиб, фарзандларингиз камолини кўринг.

Фарзандлари: Жаҳонгир, Дилрабо, Маҳфуза

Умр йўлдоши: Орзигул

Абдухалил ака!

Туғилган кунингиз билан таб-

риклаймиз. Хонадонингизга файзу барака, ишларингизга ривож.

Хосият, Каромат, Шаҳри, Адҳам, Шоҳруҳ, Ҳилола

Ўзгор тумани ички ишлар бўлимида узоқ йиллар халқ осойишталиги йўлида хизмат қилиб келётган ҳурматли дадажонимиз

Журақул РАҲМОНОВ!

Таваллуд кунингиз муборак! Бизнинг бахтимизга ҳамisha соғ булинг.

Фарзандларингиз: Насибахон, Раънохон, Ғайратжон, куёвларингиз Содиқжон, Илҳомжон

Меҳрибон отақонимиз Боқижон ФАЙЗИЕВ!

3 сентябрь туғилган кунингиз билан самимий қўтлаймиз. Узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, туганмас

қувонч, бахт тилаймиз. 100 ёшининг юзини кўриб, барчамизга йўл-бошчи бўлиб юринг. Фарзандларингиз номидан Моҳидил.

Меҳрибон адажоним Увайдулло ФАЙЗИЕВ ва сеvimли онажонимиз Муҳаббат ФАЙЗИЕВА

ларни туғилган кунлари, укамиз Отабекжон ва келинимиз Зилолабонуларни никоҳ тўйлари ҳамда ширинтой фарзандимиз Шоҳруҳни суннат тўйи муносабати билан қўтлар эканмиз, жаҳондаги барча эзгуликларни шу азизларимиз сари йўллашни субҳи саболардан тилаб қоламиз.

Ҳаётлари доимо ширин бўлсин!

Раҳимжон, Насибахон Нарпай, Аҳачи қишлоғи



Борлиқ турфа ранглар жилосининг уйгуланишидир. Қоп-қоронги тунда ранглар жилонанмайди, улар кўзни қувонтириб, дилни равшан қилиш учун буюк бири ОКЛИК — ёруғлик билан эврилиши лозим. Хуш, етти қават кўкдан, заминнинг шунча қатигача чузилган ададсиз бу оқликнинг дебочаси қарда! У оналар сийнасида, борлиқнинг боқувчисидир. У оппоқ сўтидир.

Дарҳақиқат, тириклик дунёсига жон ато этган, ибтидо аталмиш кутлуг сўзининг ўзаги, ҳаёт малҳами у. Табиат ўз зурёдларига қилган энг қимматли туҳфаси — мўмийи асидда борлиқнинг барча унсурлари оқилона муҳассамлашгани тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган. Она сўтида эса ҳаёт то мўмийа ҳам учрамайдиган мўжиза — тирик ҳужайралар мавжуд. Алоҳида кудрати билан бу тирик ҳужайралар қип-қизил бир парча жимит баданини ташқи муҳитнинг деярли барча зарарловчи омилларидан ҳимоя қилади, она билан болани ўзаро боғловчи тирик вوسита у.

Ровийлардан келтирилишича, Одам то ва Момо Ҳаволар ўжмоҳдан баърага қилиниб, заминга тушишгач, маълум фурсат ўтиб фарзанд қуришди. Ҳали эмизмиш ҳадисини олмаган, бу ҳақда умуман тушунчага эга бўлмаган Момо Ҳавонинг кукракларни шишиб, сўт томчилари ерга тома бошлайди. Бу томчиларнинг ўрниларидан эса барча заминий неъматларни берувчи наботот дунёси вужудга келади.

Бундан ривоятлигича, аммо унда ҳақнинг маълум ҳиссаси мавжуд. Она сўтининг таркибиде, деярли барча неъматларда бўлувчи ҳаёт учун жуда зарур бўлган элементлар, оксиллар, ёғлар, углеводлар ва дармондорилар мавжуд. Энг ажабланишли жойи шуки, бу унсурлар айнан уша митти вужуднинг овқат ҳазм қила олиш имкониятларига монанд тарзда, оқилона уйгуланишган. Агар улар салгина бошқача нисбатда учраганида, боланинг ҳазм қилиш аъзолари фаолиятига пури етган бўлур эди.

Янги туғилган чақалоқнинг шамойилига эътибор беринг. У жажжи кўл-оёқларини тартибсиз тигиритиб, то кукракка олиниб, табиатнинг етти мўжизаси билан ҳам овутири олмайсиз уни. У уша етти мўжизадан ҳам улуғворроқ хилқат — она сийнасида интилади, ундан таскин олади. Хуш, ким унга бунинг зарурати ҳақида маъруза ўқиди экан? Бу илоҳий боғлиқлиқни изоҳлашга қурбонгиз етadingи.

Тақдир тақозаси билан етти ёт бе-

ОНА СУТИ БИЛАН ОҚАРГАН ДУНЁ

гоналарни эмизган аёл билан у насиба берган шахс орасида ҳақиқий она-бололикдан ҳам устиворроқ қондошлик вужудга келади, оппоқ сўт қип-қизил қонларни яқинлаштиради.

Муҳтарам пайгамбаримиз «Жаннат оналар пойи остидадир» деб ўғит берганларида ҳам сўт оқлигини ўжмоҳ зиёсига тенглаган бўлса ажаб эмас. «Оқ сўт берган онасини рози қилмаган хор бўлсин» деб уч бора тақдирлаганларида-чи?

Қадимда бир шох бўйсунмас ака-укаларни тутдириб осигша ҳукм қилади. Бундан изтиробга тушган оқила она шох ошпазини ёллаб унинг чойига бир неча томчи кўкрак сўтини томизади. Буни ичган шохда нақ дорнинг тағига бориб қолган боқийшларга нисбатан ададсиз шафқат уйғониб, ўлимдан озод қилади, бу ҳам етмагандай уларга катта-катта эҳсонлар ҳадя қилади. Икки томчи сўтда икки минг одамнинг ҳам илқидан келмайдиган кудрат муҳассам бўлган экан.

Олимларнинг тадқиқотларига қўра онасини эмиб улғайган шахс билан, турли сабабларга қўра бундай неъматдан бебаҳра ўсганлар фелъ-атворида ер билан осмонча фарқ бўлади. Жумладан, сўт орқали болага оналарга хос бўлган юмшоқлик, меҳри дарёлик, ички ва ташқи дунё гузалликлари берилади. Иккинчи тоифа шахслар орасида жиноятчилар, гайри инсоний фаолиятларга мойиллик, асабийлик каби иллатлар кўпроқ учрашини фаранг олимлари исботлашган.

Умумжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қўра, биринчи орти ойликда кўкрак сўти билан боқилганларнинг бор-йўғи 1,7 фоизда, сўний озуқалар билан боқилганларнинг эса 21,4 фоизда турли-туман аллергия хасталиклар қайд этилар экан. Дикқинафас (бронхиал астма) билан оғирганлар текирилганида, нақд 53,3 фоизи гўдаклигида сўний озиқлантирилгани аниқланган. Шунингдек, иммунитет танқислиги, юкумли хасталикларга берилувчанлик, моддалар алмашинувининг бузилиши оқибатида озмиб ёхуд семирмиб кетиш ҳоллари ҳам она сўтини эммай улғайганлар орасида катта фоизни ташкил этади.

Петербург Педиатрия Тиббиёт Институтининг маълумотларига қараганда, болаларда учрайдиган меъда-ичак хасталикларининг қарийб ярми ҳеч қандай дори-дармонга муҳтож эмас, уларни эмиз-

ни оқилона ташкиллаштириш билан меъёрга солиш мумкин. Айнан, шу олийгоҳда гипорофия (ҳаддан ташқари озмиб кетиш) хасталигини даволашда она сўтидан тайёрланган қатик жуда қўл келатганини ҳамма ҳам билвермаса керак. Бу кашфинг муқаррар ҳалокатга ҳукм қилинган қанча-қанча гўдакларнинг ҳаётини сақлаб қолган.

Она сўтининг таркибидаги иммуноглобулинлар бола вужудига бос-тириб қирган ҳар қандай микробларнинг захарларини зарарсизлантириш хусусиятига эга. Бундай имкониятдан маҳрум, сўний озиқлар билан боқилган гўдакларда ҳар қандай хасталик нисбатан оғир кечиши ва кўпроқ сурункали тус олиши ўз-ўзидан аён. Фикримизнинг далили сифатида яна аниқ манбаларнинг маълумотларига мурожаат қилмиш. Сурункали ўпка хасталикларга мубтало бўлган болаларнинг 32, сурункали буйрак хасталиклари билан оғирганларнинг эса нақ 35 фоизи она неъматидан бебаҳра ўсганлигига нима дейсиз? Эмизсам сарви қоматимга пурта етади, деб уйлаб юрганлар бунинг зурёдларига нақадар қимматга тушишини бир уйлаб курсалар бўлармиди?

Аммо тулақонли озиқланмаётган, камқонлик ва дармондори танқислигидан азоб чекаётган, ҳар йили тугиб ҳолдан обдон тойдган аёлларнинг сўти бундай мўжизакор хусусиятлардан маҳрумлиги ҳаммага аниқ далил. Ичиш, чекиш, гиеҳ-вандлик каби зарарли иллатлар билан шуғулланувчи аёлларда-чи? Она вужудига қирган ҳар қандай модда биринчи навбатда кўкрак сўти билан ажралишини ҳамма оналар билармиди?

Қадимда бир ута камбағал одам насибасидан тежаб-тергаб «Боламга мадор бўлсин» деб, эмизқили гўдагига бир парча думба келтиради. Очликдан ҳолдан тойиб ўтирган хотини буни қандай қилиб еб қўйганини ҳам билмай қолади. Ҳазабланган эр эса «Боламинг насибасини қийдинг», — деб хотинининг кўкрагига пичоқ уриб, ҳайратдан донг қотиб қолади: сийнанинг кесилган жойидан уша бир парча думба чиқиб туради.

Табобатда эмизувчи аёллар учун таъқиқланган дорилар рўйхати мавжуд. Буларга гормонал, ҳужайра бўлинишини



сусайтирувчи, антиметаболик ва айрим гуруҳ антибиотиклар қиради. Сўт орқали гўдак вужудига ўтиб, хасталантириш хусусиятлари борлиги учун бу тоифа дорилар қатъий курсатмалар асосида қўлланилади.

Қадди қомати тоғдек паҳлавонлар сизни ҳам ҳайратга солган, тажжублан-тирган бўлса ажаб эмас. Улар ҳақида эса миш-мишлар бошлардаги соч то-лаларидан ҳам кўп. Гормон дорилар, допинглар, аёл сўтидан тайёрланган озиқли препаратлар қабул қилармиш каби унлаб миш-мишлар шулар жум-ласига қиради. Узунқулоқ гаплар ўз йу-ли билан-у. «Шамол бўлмаса дарах-нинг учи қимирламайди» деган мақол-ни ҳам ёддан чиқармаслигимиз лозим. Она сўтисиз бундан мукамал вужуд-ни яратиб бўлмаса керак.

Сузимизнинг муҳтасарида, она сўти табиатнинг ўз фарзандларига энг нобел туҳфаси эканлигини яна таъкид-лаб ўтисини истар эдик. Зеро, рўхий ва жисмоний соғлом, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш ҳа-қида қайғуришни айнан шу масаладан бошлашимиз керак.

Алижон ЗОХИДИЙ
ТошПМИ ассистенти

ИФТИХОРИ ШУЎҲУСИ

Мустақиллик ҳақида гап кетганда мени, айлиқса, ҳушнуд этадиган бир ҳолат тўғри-сида фикр юритишни жоиз деб биламан. Бу соғлом авлод масаласидир. Келгусида мустақил юртимизни бошқариш, унинг равна-қиса раванк, жаҳон ҳамжамиятидаги шўҳ-ратига шўҳрат қўиши бугунги ёшлар қўлига ўтади. Шундай экан, уларнинг ҳам жисмо-ний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол, етук инсонлар, ҳақиқий юртпарвар ўғлонлар бў-либ етишмоғи муҳимдир. Буни яхши англа-ган ҳукуматимиз мустақиллигимизнинг да-стлабки қўларидан ушбу масалага жиддий эътибор қаратди. «Соғлом авлод учун» ҳа-қаро жамғармаси ва ордени тасвис этилди, шу номдаги журнал чиқарилиш арасидада турибди. Ваҳоланки, бундай ордан жаҳонда-ги бошқа бирорта мамлакатда йўқ. Бу би-

лан ҳам ҳар қанча фахрланасан арзийди.

«Мустақиллик бизга нима берди?» деган саволга мен ўзимча шундай жавоб берман: истиқлол туғилди Ўзбекистонни жаҳон та-ниди, тан олади. Мана шу озод юртининг бир фарзанди сифатида мен ҳам ҳар қачон ва ҳар ерда «Мен Ўзбекистонликман, ўзбеклар диёрининг фарзандиман» деб гурур ва ифти-хор билан баралла айта оламан.

Мустақиллиқни мустақамлаш эса ҳар биримизга боғлиқ. Ҳар ким — у дехқонми, қурувчимми, зиёлимми, ёки бошқа соҳа вақили-ми, ўз вазифасини сидқидидан, ҳалоллик билан, қалб қўрипи бағишлаб бажарса, ҳеч иккиланмай «буюк келажакни яратибдек улуғвор ишга мен ҳам ўз ҳиссамни қўш-ман» деб ҳисобласа бўлаверади.

Ботир АЛИЕВ, пенсионер

• Ажабо!

ФАРОЙИБ ТОШТАХТАЛАР

Ливаннинг жанубида жойлашган афсонавий Баалбек террасасини баъзи олим-лар ўзга сайераликлар қўрган бўлса керак, дея таҳмин қилмоқдалар. Чунки Баалбек террасасининг қурилишида узунлиги ҳар қайси 20 метрдан ошмироқ, оғирлиги эса бир неча минг тоннани ташкил этадиган тоштахталар (плиталар) ишлатилган. Масалан, мана шундай тоштахталардан бирининг узунлиги 21 метр, эни 4,8 метр, баландлиги 4,2 метрга тенг экан.

Мутахассисларнинг фикрича, бу тошни жойидан жилдириш учунгина 40 минг ишчи кучи сарф бўлади. Ваҳоланки, бу тоштахта етти метр баландликка кўтари-либ, терилган.

Ҳар қалай, қурилиш бундан икки минг йилча муқаддам барпо бўлганлигини эътиборга олсак, таҳминларда жон борлиги сезилади.

А.САФАРОВ тайёрлади

• Соғлом ва гўзал бўлай десангиз


19. СУПТА ВАЖРАСАН

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Гилам ёки одёлда Важрасан ҳо-латида утиринг, тиззаларингиз асосида туринг. Кейин оёқларингизни думбаларингиз тагидан ён-ларга сал силжитинг. Шундан сунг сиз полга думбаларингиз билан утирасиз. Мана шу утиришин-гизда оёқларингизнинг тиззалари-дан оёқ бармоқларингизгача пол-да туришди лозим. Тиззаларингиз-ни жуфт ёки сал очик ҳолатда тутинг. Иккала қўлингизни оёқ-ларингиз устига қўйинг, кейин эса чап тирсагингизни полга қўйинг. Шундан сунг ун-г тирсагингизни полга қўя-сиз. Меъёрида нафас олин-г. Кўчингиз етгунича мана шун-дай тураверинг. Кейин тирсақ-ларингизни полга қўйиб, да-стлабки ҳолатингизга қайтинг. Оёқларингизни туртига чиқа-

ринг ва озгина нафас ростланг-дам олин-г.

Фойдалари: Супта Важрасан оёқларга, сон, қорин ва кукракка фойдали таъсир қурсатади. У то-моқдаги, ошқозондаги ва нафас йулларидаги касалликларни даво-лайди. Шунингдек, ошқозонни қисқартиради, киндикнинг ўз жойига қайтишига ердамлашади. У аёллар ва эркаклардаги репро-дуктив органлар фаолиятини соғ-ломлаштиради.





дан утибди. Бечора йигит шунча йил кутибди. Қаранг, қандай бераҳм қизлар бор-а! Агар раҳм қилганида бечора йигит улмай қолармиди? Чунки севги изҳор қилганида, йигирма

насан. Айт-чи, кимнинг қизи узи? — У одам бу ердан эмас. Айтганим билан барибир танимайсиз, да-да. — Қизнинг узи қанақа? — Нозиккина, чиройлигина, — дебди йигит. — Ҳм, нозиккина, чиройлигинами? — Ҳа, дада. — Нозиккинаси керак эмас! Замонни куриб турибсан. Бизга гумбурлаган қиз керак! Танкалай, ҳеч бўлмаса трактордай кучи бўлиши керак. Сан замбил кутарганда бир томонидан олсин. Деворнинг устида утирсанг, етти паҳса деворга кесак отади-кан бўлсин. Нозиккинасини нима қиласан? Далада ишлайдигани керак... Ана қўшимизнинг қизи бор. Гумбурлаган. Ҳатто совчилар келишга қўрқаяпти. Ана шунга уйланасан. Томорканинг ҳам дабдаласини чиқаради, узингни ҳам!

• Муштарий мулоҳазаси

КУЛГИ КЎПАЙСИН

Аса касбим темирйўлчи. Узоқ йиллардан бўён поезд бошлиғи лавозимида ишлайман. Ишимиз асосан одамлар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли жуда қизиқарли. Лекин ўзига яраша муаммолари ҳам бор. Шу бois газета-журналлар менинг доимий ҳамроҳим. Ҳаётимни матбуотсиз тасаввур қилолмайман, десам муболага бўлмайди.

Газета-журналларимизнинг турли савияда чоп этилаётгани тўғриси. Лекин муштарий ўзига ёқганини олиб ўқийди. Ёқмаса ўқигача уни биров мажбур қилолмайди. Масалан, мен «Оила ва жамият» ҳафталиксини севиб ўқийман. Сўнгги ойларида газетада жиддий жонланган бошлангичдан хурсандман. Айниқса, шу йил 29-сонидан берилган «Ҳожи хандон» саҳифасини мириқиб ўқидим. Таниқли қизиқчимиз Ҳожибой Тожибоевнинг мазкур газета билан доимий ҳамкорлиги кўпчилик муштарийлар қаторида мени ҳам севинтирди. Асир қизиқчининг ичкакузди, тағдор ҳангомаларидан қимлар мириқиб кулмагани дейсиз? Унинг репертуарида саёв ва бачкана гаплар деярли йўқ.

Истагим: «Ҳожи хандон» ҳам «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг «Шум боланинг чойхонаси»га ўхшаб машҳур бўлсин, доврқ қозонсин, кулгисеварлар қалбидан жой олсин. «Ҳожи хандон», хандонларинг кўпайсин!

Раҳимжон ДАРВИШЕВ

«Ваъдага вафо марднинг иши» деган машҳур мақол бор. Қизиқчи Ҳожибой Тожибоев «Ҳожи хандон» саҳифасини ўқигач, ниҳоятда мамнун бўлиб, репертуаридаги айрим ичкакузди хангомаларни муштарийлар билан баҳам қуришга рози бўлди. «Ҳамир учидан патири» деганларидек, ушбу хангомалар қизиқчининг серқирра ижодидан бир шингилани ташкил этади, холос. Ҳамкорлигимизга қўз тегмасин, илоҳ!

Қуйидаги эълон қилинаётган хангомалар асосан севги ва муҳаббат мавзусига бағишланган. Марҳамат!

ешда бўлса, роппа-роса юзга кириб қазо қилибди-да. Мана, сизга севгининг «зарари».

БИРИНЧИ БЎСА

Энди севгида қизиқ-қизиқ хангомалар кўп. Севги масаласида ёшларга асло осон тутмаслик керак. Масалан, йигитлар кўп қизларга севги изҳор этади. Қизлар аввал йўқ, деб кейин пуншаймон ейишади. Лекин севгида биринчи бўса эсда қолади. Айниқса тарсакиси:

«Қарссс...!»

ЖОНИНГ ЧИҚСИН

Яқиндагина танишган, эндигина бир-бирига гул беришни урганаётган йигит билан қиз бекатда қимтиниб турган экан. Бир маҳал автобус келиб тўхтади. Йигит қизни ҳурмат қилиб, шундай дермиш:

— Қани жоним, чиқинг жоним, бўлинг жоним, утинг жоним. Автобус кутиб қолди, чиқинг жоним, бўлинг жоним.

— Олдин сиз чиқинг, йигит кишиниз, — дебди қиз ийманиб.

— Биз йигитлар, қизларни ҳурмат қиламиз. Олдин сиз, кейин мен чиқаман. Қани, бўлинг жоним, чиқинг жоним, бўлинг жоним, чиқинг жоним...

Шунда тоқати тоқ бўлган шофер йигитга қараб шундай дебди:

— Аввал узинг чик, кейин сени жонинг чиқсин!

ГУМБУРЛАГАН ҚИЗ

Бир йигит уйланмоқчи бўлибди. Охири дардини дадасига айтибди:

— Дала, ман бир қизни яхши куриб қолдим. Шунга уйланаман, уйланмасам бўлмайди.

— А, ҳул-хул, углим, албатта уйла-

БИЗДА ШУНАҚАСИЯМ БОРМИ?

Азизлар, севги масаласи қийин. Бунга ҳеч ким маслаҳат ёки йўл-йўрик бермайди. Севинганлар мурод-



ларига етсин. Энди, севингандан кейин туй бўлади. Туйдан кейин тирикчилик, тожиклар «зиндаги» дейди. Кейин бола-чақалар. Биз болажон халқмиз. Ўзбекларни бежиз бола жинниси дейишмайди. Шунинг учун бўлса керак, кўп оилаларда болаларнинг саногий йўқ. Олтига, саккизга, унга, энди бу ёғи кетаверади. Ҳатто узининг боласини танимайдиган оталаримиз бор.

Биттаси уйда ёнбошлаб ётиб, хотинидан сураяпти:

— Ҳу, хотин, анаву ҳовлида юрган қизил қўлак ким?

— Вой дадаси, ҳазиллашяпсизми? Узингизнинг болангиз-ку, танимаяпсизми?

— Узинг ҳазиллашмаяпсанми, хотин. Бизда шунақасиям борми?

Яна битта эркак мақтанаяпти:

— Бизнинг хотин яна тугди.

— Нима тугди?

— Одам тугди.

Унга углим, қизми, фарқи йўқ, фақат тутилганига хурсанд. Афсуски, орамизда шунақа мақтанчоқ тоифа эркаклар ҳам бор!

Ашурали ЖЎРАЕВ тайёрлади

Сўнги устун

ГУЛЛАР МАЛИКАСИ

Зонд архипелагидаги энг катта оролларида бири — Суматрада «Рафлезия Арнольди» деб аталадиган гул усади. Қизил рангли бу гул очилиб турган пайтида диаметри бир метрдан ортади. Яна шуниси қизиқчи, унинг на танаси, на барглари бор. У тугридан тугри ерга ёпишиб усади. Озқини эса бошқа усимликларнинг илдизига чирмашиб, ушалардан олади.

ФИРТ ҚОИДАБУЗАРЛАР

Италиялик автомашини эгаларини йўл ҳаракати қоидаларига сўзсиз бўйсунувчи кишилар дейиш нотўғри бўлар эди. Ҳар йили ўрта ҳисобда 250-300 мингта катта-кичик йўл-транспорт ҳалокати юз бериши ҳам фикримизни исботлайди. Қолаверса, Италия автомобилчилар клуби ва «Алфа Ромео» автозаводи ҳамкорлида ўтказган суровда қатнашганларнинг бор-йўғи 34 фоизи йўл ҳаракати қоидалари билан боғлиқ саволларга тузалнигча тўғри жавоб беришган, холос.

АНА ДЎКОНУ, МАНА ДЎКОН

Дунёдаги энг катта китоб дўкони Лондон шаҳрида жойлашган бўлиб, у — В. Ж. Фоули ЛТД» компаниясига қарашлидир. Мазкур дўконда бир неча миллион номдаги китоблар сотувга қўйилган. Савдо рассталарининг умумий узунлиги эса 48 километрга тенг.

ЁМФИРПЎШНИ УНУТМАНИ

Гаванининг Кауаи оролидаги Вай Але Але тоғи энг узоқ мулдатга ҳузилувчи ёмғирлари билан дунёга машҳурдир. Бу ерда йилнинг 350 куни мойбайида узлуксиз ёғингарчилик бўлиб турар экан.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, АВТОМОБИЛЬ!

АҚШнинг Калифорния штатида яшовчи Жей Орберг яратган автомобилга қойил қолмай иложингиз йўқ. Узунлиги 30,5 метрли ушбу автомобилсизлик мужизаси ошхона, икки кишилик дам олиш хонаси, кичик сўзиш Ҳанаси каби қулайликларга эга. Томид эса вертолёт қуниши учун мулжалланган майдончаси ҳам бор.

МАШҲУР БЎЛИШ УСУЛИ

Ҳиндистоннинг Пуна шаҳрида яшовчи Шридар Чиллол исмли киши узининг тирноқлари билан дунёга танилган. У тирноқларига сўнги бор 1952 йилда қайчи теккизган эди. Шундан бери у умуман тирноғини олмаган ва муттасил парваришлаб борган. Бугунга келиб тирноғининг узунлиги бир метрга етиб қолган.

ЗАҲАР СОЛМОҚ ЭРУР КАСБИ ИЛОННИНГ

Тахминий ҳисоб-китобларга қўра, ҳар йили ер юзиде 500 минг кишини илон чақар экан. Жанубий Америкада йилгига ўртача 3-4 минг киши, Африкада эса минг киши илон заҳридан ҳалок бўлади.

ОВҚАТ ТАНЛАМАЙДИГАН ОДАМ

Жанубий Африка давлатининг Кейптаун шаҳридаги «Гроат Шур» касалхонасига оғир аҳволда келтирилган беморни шопилинч равишда операция қилишди. Жарроҳларни лол қолдирган нарсаси шу бўлдики, беморнинг ошқозонидан 212 донга турли буюм, жумладан, тиш ювадиган чўткалар, устара, телескоп антенналари чиқди.

МАНЗИЛЛИМIZ:

700078, Мустақиллик майдони, 5-бино.

Телефон: 39-43-95
Даврон БЕК навбатчилик қилди
Обуна индекси — 64654
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0361. 23566 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табок.

БОШ МУҲАРРИР:

Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси.